

Лазиз Раҳматов

ДУНЁ
КЕКСАЛАРИ:
КЕКСАЛАР
ДУНЁСИ



Лазиз Раҳматов

**ДУНЁ КЕКСАЛАРИ:
КЕКСАЛАР ДУНЁСИ**
(хорижий мамлакатлар тажрибаси мисолида)

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент – 2015

УЎК: 613.98
КБК 66.3(0)

М а с ъ у л м у х а р р и р:

Бобокул Тошев

Т а к р и з ч и л а р:

Қ. А. Жўраев,
сиёсатшунослик фанлари доктори;
М. М. Баходиров,
сиёсатшунослик фанлари номзоди;
О. А. Юсуфжонов,
юримдик фанлари номзоди.

Раҳматов, Лазиз

Р 33 **Кексалар дунёси: дунё кексалари** / Л. Раҳматов.
– Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2015. -136 б.

Ҳар қайси давлат ва жамиятда ёши улуг одамларга кўрсатиладиган эътибор ва ғамхўрлик унинг маданий даражасини белгилайди.

2015 йил – «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан чоп этилаётган халқаро журналист Лазиз Раҳматовнинг «Дунё кексалари: кексалар дунёси» номли таҳлилий рисоласида жаҳоннинг кўплаб давлатларида мўътабар ота-оналарга муносабат, оила қадриятларида уларнинг ўрни ва аҳамияти, халқаро пенсия таъминоти тизими ва қарияларни ижтимоий ҳимоялашнинг халқаро тажрибаси, амалдаги қонунчилик, фахрийлар билан ишлаш муаммолари ва бошқа ўзига хос жиҳатлар қисқа ва лўнда ёритиб берилди.

© Л. Раҳматов, 2015.

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2015.

ISBN 978-9943-07-400-2

МУҚАДДИМА

Одамлар оила аъзоларининг соғлиғи, тинчлиги ва хотиржамлигини ҳамда фаровон ҳаётини сақлаш учун кўп минг йиллардан бери ўзаро муносабатларни шакллантириб борганлар. Ушбу муносабатлар асосида вужудга келган урф-одат, анъана ва расм-русумларга таяниб, ўрталарида ўрин олган жамоатчилик меъёр-талаблари туфайли оғир ва қийинчилик даврларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечиришган.

Улар бир-бирларига ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш чораларини, авваламбор, инсоннинг моддий таъминланганлиги даражасидан, жинси ва, айниқса, кексалик давридаги яшаш ҳолатидан келиб чиқиб бажаришган. Бу ёрдам оила аъзоларининг сонидан, жамиятда ҳукм сураётган қонун-тартиблардан ҳамда давлатдаги мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ҳар бир даврда ҳар хил кўринишда амалга оширилган.

Лекин ҳамма замонларда ва барча жамиятларда инсонлар кекса-қарияларга эъзоз ва эътиборни, ҳурмат ва ҳимматни алоҳида ўринга қўйишга ҳаракат қилишган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бири Имом Хурайра доим ўз фатволарида мўмин-мусулмонлардан энг аввал уларнинг муқаддас бурчларидан бўлган – харж талабини адо этишни унутмасликни сўраб: «Мўмин биродарлар! Харж талабини бажаринг! Ахир харж у дунёга сафар қилиш амал-

ларимизнинг харажатларини қоплашимизга имкон беради»¹, – деган.

Харж – арабча сўз бўлиб, даромаднинг бир қисми оиланинг даромад манбаи камайганда ёки бутунлай йўқолган пайтда истеъмол қилиш учун жамғарма сифатида сақланган. Шу маънода, бу орқали илк бора ҳозирги замон пенсия суғуртаси аломатларига асос солинмаганмикан, деган фикр келади.

Табиийки, ўша тарихий даврларда кексаларга эъзоз-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, асосан, анъанавий оила-уруғ ёки қабила доирасида амалга ошириб келинган. Кейинроқ эса жамоавий яшаш жойлари – маҳаллаларда, диний байрам-тантана кунлари махсус ажратилган пул-маблағлар эвазига ёш болалар ва қарияларга хайр-эҳсон сифатида тарқатиб чиқилган.

Хон, амир ва шоҳлар амри билан саройда алоҳида «каромат» кўрсатган, ҳукмдорга садоқат билан хизмат қилган ҳарбий саркардалар, вазир ва амалдорлар, қурувчилар, шоир ва ҳофизларга мунтазам равишда тўловлар бериб борилган. Ҳукмдорлар марҳамати ва ҳиммати билан бу тўловларни оладиган шахслар рўйхати, унинг миқдори ва давомийлиги доим ўзгариб турган. Чунки бу пуллик тўловлар, асосан, ҳукмдор ғазнаси ҳисобидан амалга оширилган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Темур тузуклари» асарида ёзилганидек, XIV–XV асрларда у ўзининг алоҳида жасорат кўрсатган саркардаларига умрбод тўловларни белгилаб, ҳалок бўлган жангчиларнинг фарзандларига, кекса ота-оналарига пенсиялар тўлаб борган².

¹ *Исмоил Ал-Бухорий, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ». Ҳадислар. Т III. – Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1995 й. 475-бет.*

² *Темур тузуклари. – Тошкент, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 1996 й. 69-бет.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2015 йилни «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилди. Уни рўёбга чиқариш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, юз миллиардлаб маблағлар ана шу эзгу мақсадларга йўналтирилмоқда.

Бугун она сайёраимизда ҳар сонияда икки киши ўзининг олтмиш ёшга тўлганини нишонламоқда. БМТ маълумотларига кўра, асримиз ўрталарига бориб, Ер шарида 100 ёшдан ошганлар сони 3,2 миллион кишига етар экан. Ваҳоланки, улар 2014 йилда 300 минг кишидан ошмаётган эди. Агар 1950 йилларда инсоннинг ўртача умр кўриши 47 ёш атрофида бўлган бўлса, 2010 йилда бу рақам 69 ёшга етди. 2050 йилда бу кўрсаткич 76 ёшни, 2100 йилда 85 ёшни ташкил этиши кутилмоқда.

Дунёда соғлиқни сақлаш сифати яхшилангани, тиббиётнинг жадал тараққий этаётгани, санитар назоратнинг такомиллашаётгани, таълимдан фойдаланишнинг кенгаяётгани, иқтисодий фаровонлик боис кексалар улуши борган сари кўпаймоқда. Узок умр кўриш – инсоният тараққиётининг энг катта муваффақиятларидан биридир.

Шу билан бирга кўплаб мамлакатларда ижтимоий бюджетни шакллантириш, пенсия тизимини яратишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиб бўлмаёпти. Бунинг устига, меҳнатга яроқли аҳолининг қисқариши солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда, натижада пенсионерларнинг моддий-ижтимоий шароитларини барқарор сақлаб туриш қийинлашмоқда.

2050 йилга бориб АҚШ, Ғарбий Европа ва Японияда кексалар миқдори ёшлар улушига караганда кўп бўлади. Бугун кексалар сони бўйича Япония жаҳонда

биринчи ўринга чиқиб олди. Бу ерда 65 ёшдан ошганлар аҳолининг 25 фоизини ташкил қилмоқда. Туғилишнинг камлиги сабабли Жанубий Корея ҳам унга етишиб келмоқда. АҚШ эса ўз ялпи ички маҳсулотининг (17,7 триллион доллар) 10 фоизини кексаларнинг тиббий сугуртасини таъминлаш федерал дастурларига йўналтирмоқда. Европа давлатларида ҳар бир пенсионерга 4 нафар меҳнатга яроқли киши тўғри келмоқда. Аммо 2050 йилга бориб бу мутаносиблик 2 тага тушиб қолади.

Россияда 60 ёшдан ошганлар улуши 2012 йилдаёқ 26,5 миллион кишига етди ва умумий аҳолининг 19 фоизини ташкил этмоқда. 2030 йилга бориб улар улуши 28 фоизга ортади.

Хитойда 2013 йилда 60 ёшдан ошган аҳоли сони 202 миллион киши бўлди ва жами аҳолининг 15 фоизини ташкил қилмоқда. Бу қатлам билан ишлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ва жамият ҳаётидан ажралиб қолмаслигини таъминлаш юзасидан Хитой кенг кўламли чора-тадбирларни аллақачон бошлаган.

Франция Қариялар ишлари бўйича вазири Мишель Делоне мамлакатда 60 ёшдан ошганлар умумий аҳоли улушида 23,4 фоизни ташкил этаётганини таъкидлар экан, кексаларни ишлаб чиқаришга фаол жалб қилиш масаласини кун тартибига қўйди. Улар истиқболда давлат хизматлари учун, балки кўплаб компанияларга ҳам бағоят фойдали шахсларга айланишлари мумкин.

Ёки жаҳоннинг яна бир тараққий этган давлати – Буюк Британияда қариликда дучор бўлинадиган хасталиклардан азият чекаётган 700 минг фуқарога ёрдам бериш учун камида миллион нафар кўнгилли зарур. Ҳукумат 2014 йилда бу борада «Деменция дўстлари» (Dementia Friends) махсус ижтимоий дастурларини жо-

рий қилди. Ҳозир деменция харажатлари Буюк Британия бюджетига йилига 23 миллиард фунт стерлингга тушмоқда ва бу юкни кўнгиллилар хизмати ҳисобидан камайтириш ғоятда долзарб бўлиб турибди.

Муаллиф бу каби фактларни барча китъаларнинг алоҳида олинган давлатлари мисолида ўрганиб чиқади, ҳар бир муҳит ва шароитда кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ёндашувларни кўплаб фактлар асосида кенг ўқувчилар эътиборига етказиб беришга ҳаракат қилади.

Унда қайд этилган хорижий давлатларда 60 ёшдан ошган аҳоли кўрсаткичлари динамикаси, пенсия таъминотига оид мавжуд муаммолар, умр кўриш давомийлиги каби жадваллар нафақат кенг китобхонлар, балки олий ўқув юртларидаги профессор-ўқитувчилар, ижтимоий муаммолар мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган изланувчилар, магистрант ва талабаларга ҳамда амалиётчи-мутахассисларга ҳам мўлжалланган дейиш мумкин.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ВА ДЕМОГРАФИЯ НОМУТАНОСИБЛИГИ

Сўнги йилларда дунёнинг ривожланган давлатларида аҳоли сони камайиши, ривожланаётган ва қолоқ мамлакатларда эса кескин ошаётгани кузатилмоқда. Бир миллион йил муқаддам Ер юзида аҳоли тахминан 125 минг киши бўлган бўлса, 300 минг йил аввал 1 миллион кишига етган. Эрамизнинг биринчи йилида улар сони 300 миллионни, 1800 йилда 1 миллиардни, 1960 йилда 3 миллиардни, 2014 йилда 7,2 миллиардни ташкил қилди. Минтакаларда туғилиш ва ўлиш ўртасидаги фарқнинг катталиги натижасида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан Европа, Шимолий Америка ва Россияга миграция тобора кучаймоқда.

Кўплаб давлатларда пенсияга чиқиш ёши 65 ва ундан катта қилиб белгиланганига қарамай, БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатларида 60 ёш ва ундан катталар кекса кишилар, деб ҳисобланади.

Илк пенсия таъминоти Франция ҳарбий денгиз флоти офицерлари учун 1673 йилда жорий этилган. 1790 йилдаги «Буюк француз инкилоби» даврида Давлат хизматчилари учун фуқаролик пенсияси ҳақидаги қонун қабул қилинди. У 30 йил меҳнат қилган ва 50 ёшга тўлганлар учун мўлжалланган эди. Оммавий ва умумий пенсия таъминоти 1889 йилда Германияда, 1908 йилда Буюк Британияда ва 1910 йилда Францияда жорий қилинди.

Ҳозирда кўплаб мамлакатларда пенсияга 65 ёшдан чиқилади. Европа ва АҚШда яқин йиллар ичида бу чегарани 70 ёш қилиб белгилаш назарда тутилмоқда. 2005 йилдаёқ Еврокомиссия Европа Иттифоқи мамлакатлари пенсия ёштини босқичма-босқич ошириб бориши зарурлиги бўйича тегишли тавсия берган. 2060 йилга бориб иқтисодий нуқтаи назардан энг мақбул ёш 70 ёш атрофида бўлади.

Иқтисодий инқироз ёқасига келиб қолган Греция бу борада жуда катта муаммоларга дуч келмоқда. Греклар 37 йиллик иш стажига эга бўлса, 58 ёшда пенсияга чиқиши мумкин эди. Шу кунларда ҳукумат энг кам иш стажини 40 йил қилиб белгилади. Боз устига, Греция ҳукумати Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари билан пенсия жамғармаси ҳамкорлигини яхши йўлга қўймагани боис жиддий муаммолар юзага келди. «Греция ижтимоий ҳаётида ғалати ҳолат фoш этилган ва расмий чоралар кўрилган эди. Яъни вафот этган пенсионерлар пенсияси уларнинг қариндошларига бериб келинган. Пенсионерларнинг ўлгани ҳеч қаерда қайд этилмагани бунга сабаб бўлган. Бундай ҳолат 63,5 минггани ташкил этгани, айниқса, ажабланарлидир. Кейинги текширувларда яна 50 мингта шундай ҳолат аниқланди»¹.

Францияда бу чегара 60 ёш қилиб белгиланган. Аммо собиқ президент Н. Саркози уни 62 ёшга кўтариш бўйича қарор қабул қилган эди. Янги сайланган президент Ф. Олланд ҳам бу сиёсатни изчил давом эттирмоқда.

«Агар ҳукуматлар 2050 йилга қадар пенсия ёштини кўтара олмаса, Европада пенсия жамғармалари тақчиллиги йилига 100 миллиард евродан кам бўлмайди.

¹ Пенсия муаммоси. «Ўзбекистон овози» газетаси, 2015 йил 24 сентябрь, №113 сон.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/3781> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3781> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3781>